

НЕМИС ТИЛИНИ УҚИТИШДА ЁНДАШУВЛАР

Маматаева Дилрабо Хакимовнага

УзДЖТУ роман-герман факультети

Немис тили назари фанлар кафедраси уқитувчиси

Аннотация: Маколада немис тилини уқитишда ёндашувлар ва бу борада олиб борилаётган ишлар хақида ёзилган.

Калит сўзлар: немис, илғор, даражалар, халқаро, француз, айирбошлаш, идоралар, ҳаётий.

Юртимизда етишиб чиқаётган кадрларнинг немис тилини билиш, унда бемалол суҳбатлаша олиш имконияти юқори эмаслиги тобора ўз дарвозаларини дунёга кенг очиб бераётган мамлакатимизда ташкил этилаётган турли халқаро учрашувлар, конференция ва семинарларда яққол намоён бўляпти.

Юртимизда немис тили бўйича таржимонлар тайёрлаш иши ҳам қоникарсиз. Бу жараёнда дунёнинг илғор тажрибаси билан ҳисоблашмаслик, хорижда ишлаб, ўқиб келаётган тажрибали таржимон ва мутахассислардан турли субъектив ҳолатлар туфайли самарали фойдаланилмаётганлиги оқибатидир. Хусусан, олий таълим муассасаларимизда чет тилини ўртача даражада (B1) ўзлаштирган айрим ўқитувчилар (жаҳон стандартига асосан чет тилини ўргатувчи мутахассис камида C1, C2 даражаларига эга бўлиши лозим) немис тили бўйича дарс ўтаётганини қандай тушуниш керак? Ўзи амалий таржимонлик қилмаган.

Ушбу муаммоларнинг юзага келишига асосий сабаблардан бири немис тили таълимига эътиборнинг сустлигидир. 2012 йил 10 декабрда “Чет тилларни ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига биноан 2013 йилдан бошлаб халқ таълимида чет тилларни ўқитиш аввалгидай 5-синфдан эмас, балки 1-синфданок йўлга қўйилди. Бу замон талаби, яхши янгилик бўлди. Бироқ ўрганиладиган чет тиллар сифатида биргина инглиз тилига асосий эътибор қаратила бошланди.

Аслида немис ва француз тилларининг дунё тамаддунида аҳамияти катта. Жумладан, немис тили Европа Иттифоқининг асосий ишчи тили мақомида бўлиб, унга фан ва технологиялар тили сифатида қаралади. Немис тили Германиядан ташқари Австрия ва Швейцариянинг давлат тили, Люксембург, Лихтенштайн, жанубий-шарқий Франция, Шимолий Италия, Чехия ва Венгрия каби мамлакатларда яшовчи халқларнинг коммуникация тилидир.

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда немис тилини ўқитишни янада кучайтириш зарур. Бу нафақат филология ва тилшунослик йўналишида, балки турли соҳаларда кадрлар тайёрлашда жорий этилиши керак. Масалан, юртимизга келаётган сайёҳларнинг катта қисми немисзабон мамлакатлардан, улар республикамизга салмоқли туристик валюта инвестицияси келтирмоқда. Саёҳатбонлар, гидларнинг олмон тилини пухта билиши уларнинг қадимий шаҳарларимиз, тарихий обидаларимиз, умуман, юртимизга қизиқишини ошириши табиий.

Олий таълим масканларида ўқитилаётган немис тили ўқув режасида педагогика, психология ва методика фанлари ўқув соатларини янада кўпайтириш керак. Бу ўқитувчи учун жуда зарур бўлган касбий тайёргарликни кафолатлайди. Шу сабабдан немис тили ўқитувчилари тайёрлаш вазифаси асосан педагогика университети ва институтлари зиммасига юклатилмоғи лозим. Бироқ, афсуски, айти пайтда аҳвол тескари. Юртимизда немис тили ўқитувчилари тайёрлаш ҳам нопедагогик, жумладан, филологик йўналишдаги олий таълим муассасаларига юклатиб қўйилган. Мамлакатга эса филолог ва таржимонлардан кўра, мактаблар, академик лицей учун кўпроқ ўқитувчи кадрлар керак! Қатор вилоятлар (Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон)даги университетларнинг немис тили бўлимлари ва кафедраларида немис тили назарияси ва уни ўқитиш методикасидан мутахассислашмаган, илмий даражалари ва унвонлари йўқ ўқитувчилар ишламоқда. Бу эса сифатсиз таълим ва олмон тили бўйича етарли билим ва малакага эга бўлмаган мутахассислар деганидир.

Шундан келиб чиқиб, мутасадди идоралар Ўзбекистонда немис тилини ўқитиш борасидаги ишларни қайта кўриб чиқадилар, деган умиддамиз. Немис тилига муносиб эътибор, баҳо ва аҳамият бериб, унинг юртимизда ўқитилаётган чет тиллар ичидаги улушини кўтарадилар. Бу эса немисзабон мамлакатлар билан ҳамкорликни янада юқори поғонага олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз қурилиш саноати соҳасида немис фирмалари фаол қатнашмоқда, хусусан, биргина “KNAUF” корхонаси юртимизнинг кўплаб ҳудудларида ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйган. Самарқандда фаолият юритаётган “JV MAN Auto-Uzbekistan” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси томонидан жаҳон талабларига жавоб берувчи турли русумдаги юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда.

DAAD — Германия академик алмашувлар хизмати, Конрад Аденауер, Фридрих Эберт, Герда Хенкел, Александр Хумбольдт, Науман фондлари, Гёте институти ва бошқа немис ташкилотлари Ўзбекистон таълим тизими билан фаол ҳамкорлик қилиб келяпти. Биргина DAAD деярли ҳар йили ўзбек талабалари, докторантлари ва илмий ходимларининг Германияда таълим олиши, илмий

фаолият билан шуғулланиши, тажрибасини бойитиши учун бир миллион евро доирасида стипендиялар ажратади.

Германиянинг Фрайбург университети қошида тузилган DUWG —Олмон-ўзбек илмий жамияти ташаббуси билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш тизимида катта гуманитар ва консултатив ёрдам берилаётир. Мамлакатимизда муаммоли касалликларнинг консултацияси ва уларнинг Германияда даволанишига, шифокорларимизнинг ривожланган Европа давлати клиникаларида малакасини оширишга кўмаклашилмоқда. Шунингдек, ташкилот томонидан танқис доридармонлар инвестицияси амалга ошириляпти.

Жамиятимиз ёрдамида ўзбек ва немис университетлари ўртасида кўплаб ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Академик айирбошлаш бўйича келишувларга мувофиқ, ўнлаб талабалар Германияда ўқиб келмоқдалар, ўзбек ёш олимлари немис университетларида докторлик диссертацияларини ёқлаб қайтыпти.

Немисзабон мамлакатлар ижодий уюшма ва фондлари билан ҳамкорликда ўзбек таржимонларини Ёҳан Волфганг Гёте, Ҳайнрих Ҳайне, Ҳерманн Ҳессе, Томас ва Ҳайнрих Маннлар, Франц Кафка, Стефан Цвайг, Арно Гайгер каби дунёга машҳур адиблар ижоди билан яқиндан таништириш ва уларнинг ижодий ишларини моддий рағбатлантиришда фаол қатнашмоқдамиз. Жумладан, ЦАД — Австрия академик алмашувлар хизмати билан йўлга қўйилган ҳамкорлик қатор йиллар мобайнида ўзбек талабалари ва немисшунос олимларининг турли ҳажмдаги стипендиялар воситасида хорижда ўқиши ва малакасини оширишда муҳим роль ўйнаяпти. Бироқ, шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда таълим тизимида кенг шароитлар яратилганига қарамай, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларда немис тилини ўқитиш жаҳон стандартлари даражасида эмас.

НЕМИС ТИЛИНИ УҚИТИШ

Мактабгача ёш, айниқса, чет тилини ўрганишни бошлаш учун жуда қулайдир: бу ёшдаги болалар тил ҳодисаларига нисбатан сезгирлиги билан ажралиб туради, улар ўзларининг нутқ тажрибаларини, тилнинг "сирларини" тушунишга кизиқишади. Улар кичик ҳажмни осонгина ва қатъий эслашади. Чет тилни ўрганиш учун эрта ёш афзалроқ бўлишининг яна бир сабаби бор. Бола канча ёш булса, шунча сўз бойлиги ҳам камроқ бўлади: кичик болад сохалари катта ёшдагиларга караганда камроқ, у ҳали мураккаб алоқа муаммоларини хал қилиши шарт эмас. Бу шуни англатадики, у чет тилини ўзлаштирганда, она ва чет тилларидаги имкониятлар орасидаги бундай катта фарқни сезмайди ва унинг муваффақият ҳисси каттарок болаларникига караганда ёркинрок булади. Болаларни ўқитиш бу мактаб уқувчилари ва катталарга караганда мутлақо бошқача услубий ёндашувни талаб қиладиган жуда қийин масала.

Ўйин болани нафакат жисмоний фаоллигини оширади шунингдек рухий тетикликни ҳам шакллантиришга ёрдам беради. Ўйин болани ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлашига, атрофдагилар билан ижтмоий муносабатларни шакллантиришга ҳам катта кўмак беради. Шу сабабли ота-она ва тарбиячи мураббийлар болаларга имкон қадар купрок уйин орқали ўрганишни тартиб қилишлари керак. Айнан ўйин орқали болалар таълим оладилар ва уз иктидорларини кашф этадилар. Бунга эришиш учун сезги органларини фаоллаштирувчи муҳитни, жумладан визуал, эшитиш, киноэстетик каби фаол таълим турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Таълимий уйинлар мусика асбобларини чалиш, кўшиқлар куйлаш, шеър айтиш, рақсга тушиш, уйни уйнаш, видеолар томоша қилиш, кўл меҳнати воситасида турли нарсалар ясашни ўз ичига олади. Жамиятда чет тилига бўлган талаб, бир томондан, шунингдек, ота-оналар томонидан тил нафакат замонавий инсонни тарбиялашнинг омили, балки унинг жамиятдаги ижтимоий ва моддий фаровонлигининг асоси эканлигини тушуниши бошқа томондан чет тилини эрта ўрганишни айниқса машҳур ва долзарб қилиш. Мактабгача ёшдаги болаларни чет тилига ўргатишнинг асосий мақсадлари:

- болаларда чет тилида бошланғич мулоқот қобилиятларини шакллантириш;
- ўз мақсадларига эришиш, ҳаётий алоқа шароитида фикр ва ҳиссиётларини ифода этиш учун чет тилидан фойдаланиш қобилияти;
- чет тилларини янада ўрганишга ижобий муносабат яратишдир.

REFERENCES:

1. Галскова Н.Д. Никитенко З.Н. Чет тилларни ўқитиш назарияси ва амалиёти. бошланғич мактаб; услубий қўлланма.-М.: Аирис-пресс, 2004.
2. Сергеева, Э. С. (2020). Приём понимания как один из способов интерпретации художественного текста. *Academic research in educational sciences*, (4),
3. Сергеева, Э. С. (2021). Категория пространства в художественной литературе. *Экономика и социум*, (1-2), 957-960.
4. Сергеева, Э. С. (2020). Образ культурного пространства романов Л. Соловьева «Повесть Ходжа Насреддине» И А. Волоса «ВОЗВРАЩЕНИЕ ВПАНДЖРУД». *Экономика и социум*, (11).
5. Shayxislamov, N. (2021). O'QUVCHILARNING YOZMA SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA YOZMA ISHLARNING O'RNINI *Scientific progress*, 2(1).
6. Shayxislamov, N. (2021). Lingvokulturologiya-zamonaviy tilshunoslik yo'nalishi sifatida: tarixi va nazariyasi. *Tilshunoslikdagi zamonaviy yo'nalishlar: muammo va yechimlar*, 61-62